

Бандасига меҳрибондур аввалу охир Худо,
Хайи Сатторул—уюб —пўшандайи журми гунох,
Ким кадам куйса бу йулга пок бўлгай аз гунох,
Окибат манзилга еттим, йўлда торттим ранжи рох,
Равзаи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!

Хар киши бул Равзага келса гунохи тўкилур,
Вакти хуш бўлур они, руйи сиёхи тўкилур,
Банданинг кўнглига раҳмат гохи гохи тўкилур,
Гар зиёрат бўлса макбул, ранжи рохи тўкилур,
Равзаи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!

Равзаи покингга келдим хатми Куръон килгали,
Хам гирибон чок этиб, дийдамни гирён килгали,
Хар гунохим ўрнига юз минг пушаймон килгали,
Осий умматларни мушкилини осон килгали,
Равзаи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!

Пойи хикматни куюб, килдим юзумни Киблага,
Пок бўлсам, деб гунохдин ман келибман Каъбага,
Тўкулур исёнларим деб келиб эрдим Каъбага,
Етмади дастим, узатгим халкахойи тавбага,
Равзаи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!

Доимо хавфу ражода титрадим монанди бед,
Нури раҳмат ёгилур гар бўлса пир муйи сафед,
Бул улуг даргох эрур, Машрабни килма ноумед,
Ман улуг даргохга келдим, йигладим, дадимга ет,
Равзаи покингга келдим, ё Муҳаммад Мустафо!

Шарх: Бандасига меҳрибондур

Аввалу охир роҳманир — роҳийм Аллох бандаларига меҳрибон, хамиша уйгок, гунохларни авф этувчи буюк зотдир. Унинг йўли поклик йўлидир. Аллохнинг расули Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) йўллари Яратганнинг ҳақ йўлидир. Ҳақдан мадад сўраб, шу улуг йўл томон отландим. Ким бу йўлга кадам кўяр экан, гунохлардан пок бўлур. Ё Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) йўлларда машаккат чекиб, сизни зиёрат этгани келдим. Равзангизга келганларнинг калб дунёлари тозаради, нафс губоридан каро юзларда нур пайдо бўлади, раҳмат дарёсидан кўнгил сув ичади. Зиёрати пок ниятла бўлса гунохдан асар колмайди. Ё Расулуллох (с.а.в.) пок равангизга хатми Куръон килиб, бағримни чок этгани, кўзларимдан дарё — дарё ёш тўккани келдим. Гунохлардан пушаймон этгани, киёматда шафоат умиди ила келдим. Ё Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ул даҳшатли Кунда осий умматингизни шафкат килинг. Юзим киблага, калбим Каъбатуллохга каратилган.

Исёнларимдан Аллохга тавба килиб турибман. Қалбим умид ва қўрқув исқанжасида титрайди, пир улуг бўлса, солиқни раҳмат сари етаклайди. Ё Парвардигор улуг даргоҳингдан бечора Машрабни қурук қайтарма, унинг додига ет, гуноҳларини кечир, раҳматингга ол.